

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 5/8

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 5/8 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Намазова Умида Нормуродовна</i> ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ (1929-1945 ГОДЫ).....	10-15
<i>Эрназаров Туйгун Раджабович</i> ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРСТВА: КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ И ДОСТИЖЕНИЯ	16-21
<i>Хужаниязов Уктам Ешбаевич</i> “ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” СТУДИЯСИ ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ	22-27
<i>Шаимкулов Азамат Холмуратович</i> ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ	28-38
<i>Муродов Ҳалим Салимович</i> ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР	39-46
<i>Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли</i> ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ– ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН	47-51
<i>Shonazarova Nargiza</i> TOSHKENT SHAHRIDA “OBOD MAHALLA” DASTURI VA UNING IJROSI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	52-57
<i>Axmadova Nafisa Axmad qizi</i> O‘ZBEKISTON VA FRANSIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI	58-64
<i>Qodirova Ra’no Mamirjonovna</i> O‘ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINING O‘QITILISHI	65-70
<i>Yunusxo’jayev Habibulla Zafar g’o’li</i> SHARQDA KUCHLI IJTIMOIIY NIHOYA TIZIMI TARIXI	71-75
<i>Нарбеков Абдикамил</i> НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В ТУРКЕСТАНЕ И ЕГО СУЩНОСТЬ	76-80
<i>Alimova G‘unchaxon Baxadirovna</i> JAMIYAT TARAQQIYOTINING TARIXIY RIVOJLANISH ASOSLARI DIN VA DAVLAT MISOLIDA	81-85
<i>Jumanazarova Fotima</i> XOTIN QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASH TIZIMINING SHAKLLANISH JARAYONI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI	68-93
08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
<i>Ziyodilloev Khushnud Rahimboevich</i> PORTFOLIO OPTIMIZATION OF COMMERCIAL BANK CREDITS: A LITERATURE REVIEW	94-100

<i>Hamrayev Amirzoda</i> ISLOMIY MOLIYA XIZMATLARINI KO'RSATUVCHI TASHKIOTLAR KAPITAL STRUKTURASI SAMARADORLIGI TAHLILI.....	101-109
<i>Xaitbobaeva Nigora Bakmatatovna</i> T'UQIMACHILIK SANOAT KORXONALARIDA MARKETING STRATEGIYASIDAN FOYDALANIШ B'YIЧA ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ.....	110-119
<i>Xalilov Qahramon Qurbonboyevich</i> MINTAQADA TURIZM HUNARMANDCHILIK KLASTERNI SHAKLLANTIRISHNING DESTINATSION MODELI.....	120-132
<i>Махмудов Турсунпулат Давронович</i> ИНВЕСТИЦИЯ МАНБАЛАРИНИНГ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ	133-144
<i>Ishchanova Salomat</i> KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING FAOLIYATINING O'RNI.....	145-150
<i>Muydinova Zilola Voxid qizi</i> ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА “АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЙЎЛОВЧИ ХАРАКАТИ” МОБИЛ ИЛОВАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ТАХЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	151-158
<i>Samandarov O'gabek, Ismoilov Shohjahon</i> TURIZMNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ULARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	159-164
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Саидова Камола Усканбаевна</i> ФЕНОМЕН СВОБОДЫ ДЛЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА: КОМПАРАТИВИСТСКИЙ АНАЛИЗ	165-173
<i>Отонтурdiyev Orzu G'afforovich</i> INSONNING MA'NAVIY MOHIYATINI SHAKLLANTIRISHDA QADRIYATLARNING AHAMIYATI	174-179
<i>Очилова Гузаль Араловна</i> ЮКСАК МАЪНАВИЯТ-МАНФААТЛАР БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....	180-185
<i>Nurmatova Umida Jalolidinovna</i> MUTOLAA, SAVODXONLIK VA TA'LIMNING ANTINOMIK XUSUSIYATLARI.....	186-192
<i>Vafayeva Dilafruz Artikovna</i> AHMAD YASSAVIY TASAVVUFIIY TA'LIMOTIDA MA'NAVIY BARKAMOLLIK.....	193-198
<i>Karimov Zafarbek Ataboyevich</i> IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MEKANIZMLARINING SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI.....	199-202
<i>Bozorova Ro'zigul Sharofovna</i> MEHRSIZLIK HODISASINI KELITIRIB CHIQUVCHI OMILLAR	203-212
<i>Xudoyberdieva Anorabonu Hayotovna</i> DINIY MANBALARDA IJTIMOIIY HAMKORLIK O'OYALARI	213-218
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i> TASAVVUF FALSAFASIDA GO'ZALLIKNING IMMANENT JIHATLARI	219-224

<i>Dehqonov Behzod Baxtityorovich</i> YANGI O'ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI QURISHDA YETTI PIRNING BAG'RIKENGLIK G'OYALARINI O'RNI VA AHAMIYATI	225-230
<i>Abdullayeva Firuza Sharipovna</i> NASIRIDDIN TUSIYNING IDROK NAZARIYASI VA KOMILLIK FALSAFASI	231-236
<i>Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich</i> SHIHOBUDDIN UMAR SUXRAVARDIYNING "AVORIF UL -MAORIF" ASARI VA UNDA ILGARI SURILGAN G'OYALAR	237-243
<i>Ибрагимов Солижон Эргашович</i> АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ" ТАҲДИДИ.....	244-251
10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Qodirova Mukaddas Tog'ayena</i> BIZNES DISKURSINING MURAKKAB LINGVISTIK TABIATI.....	252-257
<i>Abdullayev Ikramjon Xashimdjanoich</i> DIFFERENT APPROACHES TO THE QUANTITATIVE-STATISTICAL CHARACTERISTICS OF PARTS OF SPEECH IN THE ENGLISH LANGUAGE	258-265
<i>Hamroyeva Sharifa Shukur qizi</i> TARJIMADA MILLIY SO'ZLARNING BERILISHI (OYBEKNING "NAVOIY" ROMANI INGLIZCHA TARJIMASI MISOLIDA)	266-271
<i>Olimova Gulfiza Muradullayevna</i> BADIIY SAN'AT TURLARINING XORAZM DOSTONLARIDA QO'LLANILISHI.....	272-281
<i>Айниддинов Иқрориддин Шарифович</i> АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	282-287
<i>Turaeva Dilfuza Damirovna</i> O'ZBEK TILIDA OBRAZLI SO'ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI	288-295
<i>Mahmudova Nilufarxon Ravshanovna</i> LISONIY GRADASIYANING MORFOLOGIK, LEKSIK-SEMANTIK SATHDA PARADIGMA SIFATIDA NAMOYON BO'LISHI	296-305
<i>Ashurova Maftuna Asqar qizi, Yuldoshev Rustam Dilshod ugli</i> LINGUOCULTURAL COMPARATIVE ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES	306-311
<i>Isroilova Manzura Jamolovna</i> FRANSUZ PUBLITSISTIK MATNLARDA KOMPARATIV FRAZELOGIK BIRLIK LARNING KOMMUNIKATIV TA'SIRI XUSUSIDA	312-317
<i>Шамақсудова Саодат Хидоятовна</i> МАССМЕДИА АСПЕКТНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР.....	318-324
<i>Шатова Ирина Юрьевна</i> ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКСИКИ ПО РОДУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ	325-330
<i>Nortoyeva Nodira Muhammdaliyevna</i> FRAZELOGIK DERIVATLARNI KONTEKSTLARDA ISHLATILISHINING KOGNITIV ASOSLARI	331-335

<i>Alimjanova Shohsanam Azamat qizi</i> KO'P MA'NOLI IBORALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI	336-340
<i>Турниязова Шахноза Нигматовна</i> МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	341-347
<i>Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich</i> INGLIZ ADABIYOTI TUSHUNCHALARINING XILMA -XILLIGI	348-352
<i>Aminova Dilnoza Hikmatullayevna</i> THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE ORIGIN OF MILITARY TERMINOLOGY	353-358
12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи</i> ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ	359-365
<i>Mamatallyev To'liqin Xushmamat o'g'li</i> O'ZBEKISTONDA MASOFAVIY TA'LIM HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI	366-378
13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Saidov Jur'at Sodirovich</i> МАКТАВГАСНА ТА'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARGA TARBIYA BERISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	379-384
<i>Yusupaliyeva Shaxnoza Hakimjanovna,</i> ТЕХНИК ОЛИЙ О'QUV YURTLARIDA OO'ZAKI NUTQ KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH USUL VA METODLARI	385-390
<i>Tadjixodjaeva Эльвира Рашидовна</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ ИГРОПЕДАГОГИКИ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ	391-396
<i>Тўрахонова Барно Турсунбой қизи</i> БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ	397-406
<i>Ashurova Sitora Erkinovna</i> USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION	407-412
<i>Каримжоновна Мунаввар Ибрагимовна</i> ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (Божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мисолида).....	413-421
<i>Xamirayev Rustam Abdirazakovich</i> VOLEYBOLCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARINI ТАКОМИЛЛАСHTIRISH	422-426
<i>Хашимова Масуда Камилжановна</i> КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ПРОЦЕССУ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАЦИИ НАУК	427-435
<i>Бердикулова Насиба Эркинжоновна</i> СОДЕРЖАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ И ИНТЕГРАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ	436-442

Saidnazarova Gulshan Bolta qizi

AL-BUXORIYNING MA'NAVIY-AXLOQIY QARASHLARINI O'RGANISH PEDAGOGIK MUAMMO
SIFATIDA443-448

Ислонкулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи,
ТДЮУ таянч докторанти
E-mail: shoxsanams85@gmail.com

**ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ
ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ**

Аннотация. Ушбу мақолада врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишнинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти хусусида сўз боради. Шунингдек, касбий жавобгарлик, суғурта, касбий жавобгарликни суғурта қилиш, врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш тушунчалари миллий ва хорижий олимлар изланишлари орқали таҳлил қилинади.

Калит сўзлар. врач, касб, жавобгарлик, касбий жавобгарлик, суғурта, касбий жавобгарликни суғурта қилиш, врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш.

Islomqulova Shokhsanam Vakhobjon qizi
Doctor of Philosophy (PhD),
Tashkent State University of Law

PROFESSIONAL LIABILITY INSURANCE FOR DOCTORS CONCEPT AND ESSENCE

Abstract. This article discusses the content, scope and significance of doctor's professional liability insurance. Also, based on research by domestic and foreign scientists, the concepts of professional liability, insurance, professional liability insurance, and doctor's professional liability insurance are analyzed.

Key words: doctor, profession, responsibility, professional liability, insurance, professional liability insurance, doctor's professional liability insurance.

Ислонкулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи
Докторант Ташкентского государственного
юридического университета

**СТРАХОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ
ВРАЧЕЙ ПОНЯТИЕ И СУТЬ**

Аннотация. В данной статье рассматривается содержание, объем и значение страхования профессиональной ответственности врача. Также на основе исследований отечественных и зарубежных ученых анализируются понятия профессиональной ответственности, страхования, страхования профессиональной ответственности, страхования профессиональной ответственности врача.

Ключевые слова. врач, профессия, ответственность, профессиональная ответственность, страхование, страхование профессиональной ответственности, страхование профессиональной ответственности врача.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N51>

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда касбий жавобгарликни суғурталаш ҳали қонунчиликда етарли даражада ўз ифодасини топмаган. Шунга қарамай айрим

қонунчилик ҳужжатларида нотариуснинг, адвокатнинг, суд бошқарувчисининг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича нормалар мавжуд. Аммо врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш масаласи бирор бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ўз аксини топмаган. Ваҳоланки, врачнинг касбий вазифаларини эҳтиётсизлик ёки бепарволик билан бажаришига боғлиқ бўлмаган, натижада фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказадиган касбий хатоларини ихтиёрий суғурта қилиш бозорда катта талабга эга ҳисобланади.

Сифатсиз тиббий хизмат кўрсатиш кўпинча нафақат беморнинг норозилигига ёки шартнома шартларини бузилишига, балки беморнинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказишга олиб келади. Тиббий хизмат кўрсатиш ва шикастланган беморнинг судга ушбу зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилиш натижасида ҳаёт ва соғлиққа зарар етказилган тақдирда, тиббий хизмат сифатини баҳолаш масалалари ҳуқуқий маконга ўтади ва суд томонидан тиббий хизмат сифатини эмас, балки тиббий муассасанинг – зарар етказган шифокор ҳаракатлари: қонуний ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар сифатида баҳолашни тақозо этади [1; 5-7-б].

Тиббий хизматларни кўрсатиш ҳар доим шифокор учун агар даволаниш бемор учун керакли натижага олиб келмаса, жавобгарликни ўз зиммасига олиш хавфи билан боғлиқ бўлади. Бу даволаш жараёнидан олдин беморга ташхис қўйиш ва маслаҳат бериш амалга оширилиши таъкидлаш лозим. Бемор учун маслаҳат (консультация) натижаси кўпинча унинг муайян даволаш усули (жарроҳлик ва бошқалар) бўйича қарори учун ҳал қилувчи ҳисобланади. Ушбу муаммо ҳозирги вақтда тиббий хизмат соҳасидаги айрим касб эгалари учун кескин даражада ўсиб бормоқда, бу эса уларни низоларни ҳал қилиш йўллари ва усуллари излашга мажбур қилади.

Мамлакатимизда бир қатор олимлар, илмий тадқиқотчилар томонидан касбий жавобгарлик масалалари, касбий жавобгарликни суғурталаш, нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш юзасидан илмий ишлар олиб борилган. Аммо айнан врачнинг касбий жавобгарлиги суғурталаш бўйича изланишлар олиб борилмаган. Ваҳоланки ушбу касб фуқароларга касбий хатолик, эҳтиётсизлик орқасидан зарар етиш эҳтимоли энг юқори бўлган касбдир. Лекин врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш бир қатор чет эл олимлари, жумладан инглиз олимлари Khoury, Lara [2], Weinberg, Daniel [3], хитой олимлари Li, Xiang, Jigang Jin [4], немис олимлар Rippa Bonati, Maurizio, Fabio Zampieri [5], испан олимлари Castellano Arroyo, Maria, Ricardo de Angel Yaguez [6]лар томонидан ўрганилган.

Врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш тушунчаси ва моҳиятини чуқурроқ таҳлил қилиш учун, аввало, врач, жавобгарлик, касбий жавобгарлик, суғурта, касбий жавобгарликни суғурта қилиш, врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш тушунчаларини ажратиб оламиз ва таҳлил қиламиз.

“Жавобгарлик” бу кенг тушунча бўлиб, ҳуқуқий категория ҳисобланади ва барча соҳадаги умумий ижтимоий жавобгарликни ўзида ифода этади. Лекин бир қатор олимларнинг “юридик жавобгарлик” бу “ижтимоий жавобгарлик”дан фарқ қилади ва анча муҳимдир, деб ҳисоблашади. Жумладан, рус олими А.П.Чиркованинг фикрига кўра, “юридик жавобгарлик тушунчасига ижтимоий жавобгарлик тушунчаси доирасига қараш керак, худди шундай жавобгарлик бу тартибли ижтимоий муносабатларнинг намоён бўлувчи объектив ҳодиса, жавобгарлик ижтимоий муносабат субъектларининг

хатти-ҳаракатларига мувофиқ бўлган объектив заруриятни ўзида акс эттиради” [7].

Касбий жавобгарлик эса ижтимоий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, меҳнат муносабатларидаги, фуқаронинг ўз хизмат вазифасини бажариши билан боғлиқ муносабатлардаги жавобгарликни ифодалайди.

Н.Б.Грищенко касбий жавобгарлик тушунчасига қўйидагича таъриф берган:

касбий жавобгарлик – бу профессионал фаолият юритувчи субъектга нисбатан ўз фаолиятида учинчи шахслар, жумладан давлат, ташкилот ва шахс учун мўлжалланган натижаларга эришилмаган ёки лозим даражада эришилмаган тақдирда чора ва санкциялар қўллашдир [8; 11-13-б].

Касбий жавобгарлик қўйидагиларни ўзида ифодаловчи тушунчадир:

1) бунда фақат олий маълумотга эга бўлган ходимлар (иқтисодий, юридик, тиббий, техник ва бошқа йўналишлар) сифатида мутахассислар ва профессионалларнинг фаолият олиб бориши;

2) касбий мақсадларнинг натижаларига мувофиқ бўлган ишларни бажариш, касбий профессионал фаолиятни амалга ошириш;

3) касбий фаолият натижасининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши;

4) касбий жавобгарлик юзага келган тақдирда, юзага келган ҳар қандай йўқолган фойданинг ўрнини қоплашга қаратилган қўшимча чоралар ва санкцияларнинг мавжудлиги [9].

Энди эса касбий жавобгарликни суғурта қилиш тушунчасини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” Қонунида суғурта тушунчасига қўйидагича таъриф берилган:

суғурта — муайян воқеа (ҳодиса) юз берганда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, товонлар ва бошқа тўловлар тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир муносабатлар.

Касбий жавобгарликни суғурта қилиш бу бевосита касбий фаолият билан шуғулланувчи шахснинг учинчи шахсларга етказган зарари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлигини муайян тўловларни амалга ошириш орқали суғурталашдир.

Касбий жавобгарликни суғурталаш зарар кўрган ва зарар етказган томон учун ҳам фойдали ҳисобланади. Яъни зиён кўрган тараф ўзига етказилган зарарни ортиқча низоларсиз, ўз вақтида қопланишига эришади. Зарар етказган тарафнинг ҳам касбий манфаатлари қонунчилик доирасида ҳимоя қилинган бўлади.

Бугунги кунда қонунчилигимизда касбий жавобгарликни суғурталашнинг қонунчилик орқали тартибга солинган турларини қўйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин.

Касбий жавобгарликни суғурталашнинг Ўзбекистон Республикасида тартибга солинган турлари

Т/р	Суғурталанадиган касбий жавобгарлик турлари	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
1	Аудиторларнинг касбий	Ўзбекистон Республикасининг

	жавобгарлигини ихтиёрий суғурта қилиш	“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 29-модда
2	Божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш	Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, 282-модда
3	Адвокатларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш	Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни, 6-модда
4	Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш	Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни, 19-модда
5	Тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш	Ўзбекистон Республикасининг “Тиббий фаолият ва тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси

Юқоридаги жадвалда ажратилганидек, тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш ҳали тартибга солинмаган бўлсада, бу бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Тиббий фаолият ва тиббий ходимларнинг мажбурий жавобгарлигини суғурталаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган. Бироқ ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши ҳозирги кунга қадар кечиктириб келинмоқда.

Ваҳоланки, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши билан қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

беморларга зарар етказилган тақдирда зарарни қоплаш, буни пул маблағларини тўлаш орқали кафолатлаш;

етказилган зарарни қоплаш натижасида тиббиёт ташкилотларининг йўқотишларини камайтириш;

маблағ етишмаслиги туфайли қарздорликни тўлаш имкони бўлмаганлиги сабабли тиббиёт ташкилотларининг банкротлиги ва тугатилиш хавфини камайтириш;

таъсис этган муассаса ва ташкилотларда улуш эгаси сифатида давлат (ғазна, бюджет)га қаратилган жавобгарлик туфайли маблағлар йўқотишларининг миқдорини камайтириш;

кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, тиббий ташкилотларда низолар вужудга келишини камайтириш.

Врачнинг касбий жавобгарлиги унинг ўз мажбуриятларини бажаришда тиббий-касбий меъёрларга мувофиқ бўлмаган, зарар етказувчи ва беморнинг ҳуқуқларини бузган эътиборсизлиги учун компенсация ундириш тўғрисида бемор томонидан врачга нисбатан даъво аризаси келиб тушганда юзага келади. Врачнинг фаолияти натижасида юзага келадиган хавф-хатарлар ва ўз касбий мажбуриятларини бажариши учун

жавобгарлигини енгиллаштириш учун бу хавфни бошқа шахсга ўтказиш орқали амалга ошириши мумкин. Бундай усул суғурта деб аталади [10; 35-42-б].

Демак юқоридаги тушунчаларни умумлаштирган ҳолда, бизнингча, врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш бу врачнинг беморга ташхис қўйиш ва уни даволаш билан боғлиқ касбий фаолиятини амалга ошириши жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган эҳтимолий хавфнинг, зарарнинг ўрнини қоплаш, товонлар ва бошқа тўловлар тўлаш орқали врачнинг касбий манфаатларини ҳимоя қилишга оид муносабатлардир.

Бугунги кунда, сифатсиз тиббий хизмат кўрсатиш кўпинча нафақат беморнинг норозилигига ёки шартнома шартларини бузилишига, балки беморнинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказишга олиб келмоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш ва шикастланган беморнинг судга ушбу зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилиш натижасида ҳаёт ва соғлиққа зарар етказилган тақдирда, тиббий хизмат сифатини баҳолаш масалалари ҳуқуқий маконга ўтади ва суд томонидан тиббий хизмат сифатини эмас, балки тиббий муассасанинг – зарар етказган шифокор ҳаракатлари: қонуний ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар сифатида баҳолашни тақозо этади [11; 9-14-б].

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш масаласи ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 46-моддасига кўра, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан жабр кўрган фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишга сарфланган маблағлар уларнинг соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган жисмоний ва юридик шахслардан ундирилади.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ўз касб-кор вазифаларини малакали бажармаганликлари оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етган ҳолларда етказилган зарар ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади.

Тиббий хизматларни кўрсатиш ҳар доим шифокор учун агар даволаниш бемор учун керакли натижага олиб келмаса, жавобгарликни ўз зиммасига олиш хавфи билан боғлиқ. Бу даволаш жараёнидан олдин беморга ташхис қўйиш ва маслаҳат бериш амалга оширилиши таъкидлаш лозим. Бемор учун маслаҳат (консультация) натижаси кўпинча унинг муайян даволаш усули (жарроҳлик ва бошқалар) бўйича қарори учун ҳал қилувчи ҳисобланади. Ушбу муаммо ҳозирги вақтда тиббий хизмат соҳасидаги айрим касб эгалари учун кескин даражада ўсиб бормоқда, бу эса уларни низоларни ҳал қилиш йўллари ва усулларини излашга мажбур қилади.

Тиббий касбий жавобгарлик суғуртаси тиббий хатолик суғуртаси остида аниқланади [12]. У шифокор ёки соғлиқни сақлаш муассасасини молиявий хавф-хатарлардан - тиббиёт билан шуғулланишнинг жавобгарлигидан ҳимоя қилиш учун сотиб олинади. Аниқроғи, шифокорни беморнинг шифокорларнинг бепарволиги натижасида жароҳат олганлиги ҳақидаги даъвосининг оқибатларидан ҳимоя қилади.

Тиббиёт ходимларининг жавобгарлигини суғурта қилиш моделларини фарқлашнинг яна бир мезони бу тиббиёт ходимини айблаш ва унга қарши жазо чораларини қўллаш амалиётидир. Ушбу мезонга кўра: “айбдор” тизими ва “айбсиз”

тизими ажратилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо бўлган аксарият мамлакатларда тиббий ёрдам кўрсатиш нуқсони учун қонунчилик ва суд амалиётида ишлаб чиқилган ва кенг қўлланиладиган “айб”ни талқин қилиш асосида баҳоланади. “Айб”дорлик тизими беморнинг шикояти асосланган тақдирда, айбдор тиббиёт ходими ўз хато хатти-ҳаракатларининг куйидаги салбий оқибатларини бошдан кечиради: жазо, танбех, ўқитиш - малака ошириш, лицензиядан маҳрум қилиш ва ҳқ. “Айб” тизими, тиббиёт ходимига нисбатан жазо чоралари қўлланилиши туфайли тегишли суд қарори қабул қилинишини талаб қилади. Ушбу модел АҚШ, Япония, Буюк Британия, Канада ва бошқа бир қатор мамлакатларда муваффақиятли қўлланилмоқда.

“Айбдорлик” тизимига тескари бўлган тизим бу “айб йўқ” тизими. Ушбу тизим ИХРТнинг бир қатор мамлакатларида қўлланилади ва айбсиз қоплаш тизимига асосланган. Ушбу мамлакатларда суд томонидан тиббий мутахассисларнинг жавобгарлигини белгилаш зарар кўрган беморларга қоплаш пул маблағларини бериш учун зарурий шарт эмас. Қоплашни амалган оширишнинг бошланғич нуқтаси бўлиб одатда шикастланишнинг ўзи ёки шикастланишнинг олдини олиш мумкинлиги ҳисобланади. Жабрланган беморларга зарани қоплаш тижорат ва нотижорат суғурта ташкилотлари (Дания, Финляндияда) ёки давлат томонидан (Швеция ва Янги Зеландия) хусусий манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон қонунчилигида асосан беморнинг ҳуқуқ ва манфаатлари инобатга олинган бўлиб, врачнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишни ҳуқуқий тартибга солмаслик келгусида врачнинг ўз касбига бўлган ишончсизлигининг ортишига, зарар етказилганлик оқибатида юзага келадиган низоларнинг мураккаблашишига, врачларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Адабиётлар/Литература/References:

1. А.П. Згонников Страхование профессиональной ответственности адвокатов в Российской Федерации: теория и практика применения. Адвокат. № 10, 2015. С. 5-7.
2. Khoury, Lara. "Uncertain causation in medical liability." Thesis, University of Oxford, 2003. <http://ethos.bl.uk/OrderDetails.do?uin=uk.bl.ethos.251465>.
3. Weinberg, Daniel. "The effect of medical malpractice liability on the delivery of health care." [Gainesville, Fla.]: University of Florida, 2009. <http://purl.fcla.edu/fcla/etd/UFE0024762>.
4. Li, Xiang, and Jigang Jin. "Liability for Medical Malpractice". In Concise Chinese Tort Laws, 199-209. Berlin, Heidelberg: Springer Berlin Heidelberg, 2014. http://dx.doi.org/10.1007/978-3-642-41024-6_19.
5. Rippa Bonati, Maurizio, and Fabio Zampieri. "Historical Overview of Medical Liability". In Malpractice and Medical Liability, 13-49. Berlin, Heidelberg: Springer Berlin Heidelberg, 2013. http://dx.doi.org/10.1007/978-3-642-35831-9_2.

6. Castellano Arroyo, Maria, and Ricardo de Angel Yaguez. "Medical Responsibility and Liability in Spain". In *Malpractice and Medical Liability*, 161–88. Berlin, Heidelberg: Springer Berlin Heidelberg, 2013. http://dx.doi.org/10.1007/978-3-642-35831-9_9.
7. Чирков А.П. Ответственность в системе права. Калининград, 1996.
8. Н.Б.Грищенко. Категориальная сущность профессиональной ответственности. С. 11-13. <https://izvestia.asu.ru/2003/2/econ/TheNewsOfASU-2003-2-econ-02.pdf>
9. Шинкаренко И.Э. Страхование ответственности. М., 1999.
10. Febrina Lorence Sitepu. North Sumatera University Faculty Of Law. Legal Review Doctor's Professional Liability Insurance To Patients. *Journal of Law Science* Volume 2, No. 1, 2020 e-ISSN 2684-9658, www.iocscience.org/ejournal/index.php/JLS.
11. Л.Б. Ситдикова Гражданско-правовая ответственность в сфере оказания медицинских услуг. *Медицинское право*. № 3, 2012. С. 9-14.
12. Medical Professional Liability Insurance. American Collage of Emergency Physicians. <https://www.acep.org/siteassets/uploads/uploaded-files/acep/clinical-and-practice-management/resources/medical-legal/mplipaperapril04.pdf>
13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
14. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни.
15. Балашова Л.В. Нормативно-правовые основы обязательного страхования профессиональной ответственности // *Право и экономика*. - 2015.- № 5.-250.
16. Кондратюк П.И. Правовые основы и практика применения страхования профессиональной ответственности // *Финансовая газета*. 2013. -№3.
17. Мохов А.А., Капранова С.Ю., Акишева Г.Р. Страхование профессиональной ответственности и компенсация морального вреда // *Юрист*. 2014.- № 6.- С. 12-13.
18. Сотников С.Л. Страхование профессиональной ответственности: Дис. ... канд. юрид. наук. Красноярск, 2014. -46 с.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 5/8 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).